



«ТИҚХММИ» МТУ



# Мелиорацияда илмий изланишлар услублари



## Асосий адабиётлар

**1.Ritzema Н.Р. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications.** Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp. 1125.

**2.Хамидов М.Х., Солиев Б.К., Мухамедов А.К.** “Мелиорация ва сугорма дәхқончиликда илмий тадқиқот ишлари”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТИМИ. 2008-176 бет.

**3.Нурматов Ш.Н, Мирзажонов Қ.М. ва бошқалар.** – “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”. Услубий қўлланма. Тошкент 2007 йил, 147- бет.

**4.Эргашев С., Бекмирзаев И., Назаркулов У.** “Қурғоқчилик ҳудудларида сув ресурсларини минимал сарфлайдиган ирригация ва мелиорация ҳамда қишлоқ хўжалиги юритиш усуллари бўйича” ҚЎЛЛАНМА. Қўлланма БМТ Тараккиёт Дастури, Глобал Экологик Жамғарма ва Ўзбекистон Ҳукуматининг “Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларининг таназзулга учраган ерларида экотизим барқарорлигини таъминлаш” лойиҳаси доирасида тайёрланган. Тошкент-2012 йил.

**5.Isaev S.X. va boshqalar.** “Melioratsiyada ilmiy izlanishlar uslublari”. O‘quv qo‘llanma. Toshkent., TIQXMMI. 2019-212 bet.



## Қўшимча адабиётлар

**6. Мирзиёев Ш.М.** Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.

**7. Мирзиёев Ш.М.** Танқидий таҳлилий, қатъий таритиб- интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -104 б.

**8. Мирзиёев Ш.М.** Қонун устиворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарповонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -486.

**9. Мирзиёев Ш.М.** Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. «Газета. Uz».

**10.** Суғориладиган шароитда дала ва лабораторияда паҳтачилик соҳасида ўтказиладиган тажрибалар методикаси. Услубий қўлланма. Тошкент, 1962 йил, 159-бет.

**11.Рахимбоев Ф.М., Дарибоев Ю.** Илмий тадқиқот асослари. Маъruzалар тўплами. Тошкент. 2001 йил.

**12.Исабаев А.** Илмий тадқиқот асослари. Услубий кўрсатма. Тошкент, ТИКХМИИ 2001йил.

**13.Доспехов Б.А.** “Методика полевого опыта”. Учебник. Изд-во 11. –М. Агропромиздат, 1979.

## Интернет сайлари

**14.** [www.gov.uz](http://www.gov.uz). - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

**15.** [www.lex.uz](http://www.lex.uz).-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

**16.** www.Ziyo.net.

**17.** [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net).

**18.** rubricon.com.

**19.** oldbooks.ru.

**20.** cgiar.org.

**21.** sic.icwc-aral.uz.



«ТИҚХММИ» МТУ



**Маъруза: Экинларни суғориш тартибини  
аниқлаш бўйича дала тажрибалари услубиёти.**



## РЕЖА.

1.Суғориладиган тупроқ шароитида ўтказиладиган дала тажрибаларининг хусусиятлари.

2.Суғориш билан боғлиқ тажрибаларни ташкиллаштириш.

3.Вариантлар ўлчами.

4.Суғориш билан ўтказиладиган тажрибаларда бир йўла бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олиш.

5.Суғоришни қатор ораларига ишлов билан бирга ўтказиш.

6.Суғоришни ўғитлаш билан қўшиб ўтказиш.

7.Ғўзани суғориш муддатлари.



## Сұғориладиган тупрөқ шароитида үтказиладиган дала тажрибаларининг хусусиятлари.

Сұғориладиган тупрөқ шароитида үтказиладиган тажрибаларда катта услубий ёндашишни талаб этиб, ёлғиз фарқлилик омилига диалектик түғри тушунчага эга бўлиш керак.

Ўрганилаётган омилнинг ҳамма вариантлари учун бир хил бўлишни ташкил этиш, бу механик равишда тенглаштириш деб қаралмай, балки тадқикот учун кўзда тутилган аниқ фандир. Бу фанда тадқиқотчи ҳақиқатда маълум бир вариантнинг (навнинг) қолган вариантларга нисбатан юқори самарали эканлигини ажратади масалан, техник ўсимликлар тажрибасида суғориладиган вариант қаторлари ўт босмаган ва қотиб қолмаган бўлса, ёнидаги суғориб ери қота бошлаган вариант қаторини чопганда бирга қўшиб чопиб юбориласлик керак. Бу ерда, биринчи вариант тажриба мақсади қурғоқчиликка чидамлилигини ва ишлов берилмаганда ўсимлик ўзини қандай тутишини ўрганишдан иборат. Иккинчи тажриба мақсади суғориш ва унинг кетидан чопик қилишни ўрганиш.



Үндан ташқари содир бўлиши мумкин ҳолатлардан бири юқоридаги икки вариантда бир хил кўчат сони қаторларда қолдирилиши. Бу ерда ҳам механик тенглик яратилиб тажрибада оптималлик ва мақсадга мувофиқлик принциплари қўпол ҳолда бузилади. Натижада ўрганилаётган услубнинг эфекти ҳакидаги олинаётган информация ёлғон, хulosа ишончсиз, чунки юқори ҳосил суғориладиган ер участкасида кўпроқ кўчат сони ҳисобига олиниши мумкин, суғорилмайдиган ерда сийрак кўчатлар сони кўп бўлиши бу ерда намлик етишмаслиги билан ҳосилдорликнинг жуда камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам юқоридаги каби мисолларда, ҳеч қачон суғориладиган ва суғорилмайдиган ер участка вариантларида бир хил кўчат сони олишга ҳаракат қилинмайди. Улар ҳар хил бўлиб, ҳар бир шароит учун оптимал бўлишини таъминланиши методик жиҳатдан тўғри бўлади.



Суғориладиган ер участкасида дала тажрибаси ўтказишнинг хусусиятларидан энг асосийси ўрганилаётган варианtlар ўсимликларини суғоришдир. Суғориш тадбирларини амалга оширишда ўзига хос муаммолар ҳам мавжуддир. Бу муаммолар, варианtlар қаторларига сувнинг тўғри бир хилда тақсимланиши ва регулятор барпо этиш билан боғлик.



## Суғориш билан боғлиқ тажрибаларни ташкиллаштириш.

Сув манбалари захиралари чекланган худудларда ҳар бир кубометр сарфланган сув ҳисобига, кўп маҳсулот этиштириш, сувдан самарали фойдаланишни таъминловчи суғориш тартиби ва техникасини ўрганиш ва ишлаб чиқиши тақозо этади. Шу билан бирга суғоришнинг ерлар мелиоратив ҳолатига таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда сизот сувлар сатхини кўтариб, тупроқ шўрланишига олиб келувчи ортиқча сув беришга йўл қўймаслик зарур. Меъёрида суғориш ғўза тупининг мўътадил бўлиши, пастки шохларида кўпроқ бўлиқ кўсаклар ва камроқ ўсувчи органлар шаклланишига олиб келиши зарур. Бундай ғўза туплари ҳосил эрта пишишини таъминлайди, машина теримига мос бўлади.



Тажриба қўйиш учун дала танлашда тупроқ механик таркиби, рельфи ва мелиоратив ҳолати асосий тупроқ хиллари ва шу минтақа гидромодуль районига мос келиши зарур. Тажриба учун танланган далани тўғри баҳолаш учун 1:10000 масштабли тупроқ харитасидан фойдаланиш керак.

Агар тупроқ харитаси бўлмаса, у ҳолда 2-3 чуқур кавланиб, генетик қатламлар бўйича морфологик тавсифланиши зарур. Шу билан бир вақтда азот, фосфор, калий ва гумуснинг ялпи микдори тупроқ ҳайдов қатламидан 100-150 см. чуқурликкача камида 5 тақрорланишда таҳлил қилиниши зарур.

Тупроқдаги намлик заҳираларини 1-3 метргача ёки захоб сатҳигача (улар юза жойлашганда), ҳажм оғирлиги ва намлигини баҳорда (экишгача), шунингдек, кузги шўр ювиш ва заҳира сувидан кейин аниқлаш керак. Булар умумий фон бўйича аниқланади. Бундан ташқари амал даври охирида барча вариантларда намлик ва унинг заҳираси юқорида қайд этилган чуқурликларда аниқланади. Бу, тупроқ нам заҳираси сарфини ҳисоблаш ва турли суғориш тартиблари учун намлик мувозанатини белгилаш имконини беради.

Суғориш учун энг қулай қиялик 0,003 дан 0,008 гача. Аммо тажриба мақсадига қараб, шу худудга хос бошқа нишабликлар ҳам олиниши мумкин.

Экишгача ерлар жуда яхшилаб текисланиши, зарур бўлса, тепаликчалар ва ботиқликлар қўлда текисланиши талаб этилади.



«ТИКХММИ» МТУ  
***Вариантлар ўлчами***



Сизот сувлар чукур жойлашган ерларда кўпчилик тажрибалар учун вариант кенглиги тракторнинг икки ўтишига, яъни тўрт қаторли машиналар тизимида 8 қаторга ва б қаторлида 12 эгатга тенг бўлиши керак.

Кузатишлиардан маълумки, суғориш тартиби турлича икки вариантнинг бир-бирига ўзаро таъсири бир вариантда 4 ҳимоя эгати (бир томондан иккита, иккинчи томондан иккита) қолдирилган бўлмайди. Бу ҳолда ҳосил 4 қатордан 4 қаторли машиналар тизимида ва 8 қатордан 6 қаторли тизимда териб олинади. Агар суғориш тартиби билан бирга бошқа омиллар (туп қалинлиги, ўғитлар, истиқболли янги навлар) ҳам ўрганилаётган бўлса, у ҳолда суғориш тартиби бир хил вариантлар бирлаштирилса, суғориш ва ишлов беришда қулай бўлади, чунки суғоришлар вариантлар ҳажми ортиб кетади.

65-65-60%		70-70-65%		75-75-60%		65-65-60%		70-70-65%		75-75-60%		65-65-60%		70-70-65%		75-75-60%		65-65-60%		70-70-65%		75-75-60%				
0	N150	0	N150	0	N250	0	N150	0	N250	0	N150	0	N250	0	N150	0	N250	0	N150	0	N250	0	N150	0	N250	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	1	2	3	4	5	6	7	8	9	1	2	3	4	5	6	7	8	9
I-Такрорланиш						II-Такрорланиш						III-Такрорланиш						IV-Такрорланиш						9		



Худи шу каби қаторлар сони шүрланган сизот сувлар 1,5-2,0 м ва чукурроқ бўлган ерларда ҳам бўлиши керак.

Сизот сувлар сатҳи 1,0-1,5 м ва ундан ҳам юза жойлашганда суғориш нафакат сув берилган вариантда, балки қўшни вариантларда ҳам сизот сувлар сатҳини сезиларли кўтаради. Аммо бу кўтарилиш бевосита суғоришдагина эмас, балки ариқлардан фильтрация бўлган сув ҳисобига юз беради. Бунинг олдини олиш учун тажриба далаларини суғориш учун сувлар лотоклар ёки асбоцемент қувурлар орқали келтирилиши ёки суғориладиган вариантларга сув элилувчан қувурлар орқали берилиши яхши натижа беради. Шу билан бирга сизот сувлар 1,0-1,5 м ва ундан ҳам юза жойлашганда вариантлар кенглиги икки марта оширилса, суғориш пайтида қўшни қаторларда сизот сувлар сатҳи кўтарилиши камайтирилади.

Ер нишаблиги ва тупроқ сув ўтказувчанлигига қараб, эгат узунлиги 120 метрдан оширилмайди. Энг қисқа эгат узунлиги кучли сув ўтказувчан тупроқларда, энг узунлари кам сув ўтказувчан тупроқлардан ва кенг қаторли эгатларда 200 м гача бўлиши керак.



## **Суғориш билан ўтказиладиган тажрибаларда бир йўла бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олиш.**

Суғориш билан ўтказиладиган тажрибаларда суғоришилар сони, уларнинг муддатлари, амал суви, мавсумий суғориш меъёрлари бўйича фарқланувчи варианtlар бўлиши мумкин. Бу ҳолда ғўзани парваришилашда бажариладиган агротехник тадбирларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор бериш ва уларни суғориш билан бирга олиб борилиши зарур.

Ҳар бир вариантда ўсимликларнинг мақбул ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши учун шароит яратиши керак.



## Суғоришиң қатор ораларига ишлов билан бирга үтказиш.

Тупроқни ғовак ҳолда ва бегона үтлардан тоза тутиш унда намлиқ сақланиши ва сувдан тежамли фойдаланишини таъминлайди. Бунга қатор ораларига ишлов бериш ва чопик қилиш билан эришилади.

Қатор ораларига биринчи ишлов бериш ниҳоллар күрингач, суғоришиш бошлангунча барча вариантлар үтказилади.

Иккинчи ва ундан кейин ишловлар тупроқ оби-тобига келганда ҳар вариантда алоҳида бажарилади. Қанча сув берилса, культивациялар ҳам шунча үтказилади. Чопиклар сони ва муддатлари барча вариантлар учун бир хил бўлади.



## Суғоришни ўғитлаш билан қўшиб ўтказиш.

Пахта ҳосили ва унинг шаклланиши суръатларига ўғитлар ва уларни солиш муддатлари сезиларли таъсир этади. Шунинг учун суғориш бўйича тажрибаларда ўғитлар барча вариантларда бир муддатда солиниши керак.

Ўғитлар суғориш тартиби билан мажмуи ўрганилгандан тажрибаларда ўғитли вариантлар суғориладиган вариантлар устига тушиши, яъни суғориладиган вариант ўз ичига бир неча ўғитлар бўйича вариантларни олиши керак. Бу суғориш ва ундан кейинги ишловларни осонлаштириш учун қилинади.

Ўғитларнинг умумий меъёри мўлжалланган ҳосилига қараб ҳисобланади. Озиқа моддалар нисбати мавжуд йўриқномалар асосида белгиланади.



## Ғўзани суғориш муддатлари.

Суғориш тартиби ва сув қўйиш техникасини ишлаб чиқиш учун суғориш сони ва муддатлари ҳар вариант учун ўсимликлар талаби асосида белгиланиши керак.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ўсимликлар сувга бўлган талабини белгилайдиган тупроқ намлиги, баргнинг сўриш кучи, ўсимлик ширасининг концентрацияси, ўсимликлар ривожланишининг ташки белгилари ва б.к. кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Бу кўрсаткичлардан тупроқ-иқлим, сузот сувлар шўрланганлиги ва жойлашиш чуқурлиги турлича шароитларда ғўзанинг мақбул суғориш тартибларини, навларнинг суғориш тартибини, шунингдек, суғориш тартибларини ўғитлаш билан биргаликда, туп қалинлиги ва бошқа омилларни ўрганишда фойдаланилади. Улар ғўзанинг юқори ҳосил бериш бўйича потенционал имкониятларини, шунингдек, амал давридаги турли паллаларда ўсимликларнинг сув танқислигига муносабати намоён этилишига ва сув танқислигига ҳосил йўқотилишининг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилишга имкон беради.



## Ғўзани суғориш муддатлари аниқлаш усуллари

Ғўзани тупроқ намлиги бўйича суғориш.

Ғўзанинг ташқи белгилари суғориш муддатини аниқлаш.

Баргларнинг кучсиз сўлиши (тургорнинг камайиши)ни аниқлаш.

Гуллаш бўғинининг ўзгарувчан баландлиги бўйича суғориш муддатини белгилаш.

Баргларнинг сўриш кучи бўйича суғориш моддаъларини белгилаш.

Суғориш муддатини ўсимликнинг тўқима шираси концентрация бўйича аниқлаш.



«ТИҚХММИ» МТУ



**Эътиборингиз  
учун раҳмат!**